ҲОСИЛ УЧУН КУРАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 116 (3854). | Шанба, 15 июнь 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.



ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» колхозининг Абдуалим Абдуллаев бошлиқ звено аъзолари беш йилнинг учинчи йилида 36 гектар пахта майдони дан 30 центнердан ҳосил кўтариш учун кураш бошлашган. Суратда: (чапда) ўртоқ А. Абдуллаев, (ўнгда) шу колхоздаги У. Бухорбоев бошлиқ звено пахтазорларини тажрибали сувчилардан Ўрозбой Утелов (олдинда) ва Оғали Нажибоев ўртоқлар мириқтириб суғоришмоқда.

А. Абалян фотолари.

БАРЧА ДАЛАДА

Янгийўлдаги «Интернационал» колхозида каттадан-кичик мўл ҳосил учун курашга отланган.

Колхоз идораси жимжит. Ҳамиша гавжум бўладиган бухгалтерия эшигини очсак, фақат бир киши — ҳисобчи ўтирибди. У савол-сўроқларга қисқа ва лўнда қилиб «ҳамма далада» деб жавоб қилиб қўяқолди.

ҲАММА ДАЛАДА! Бу икки оғиз сўз шу кеча-кундузда деҳқонлар иши нечоғлик тиғизлигини кўрсатади. Эртадан кечгача чўтдан қўл узмай ишласа ҳам хисоб-китобни тўгатолмайдиган бухгалтерия ходимлари ҳам ўз ишларини вақтинча тўхтатиб далага отланганлар.

Нега шунчалик тиғизлик бўлиб қолди? Чунки ҳар куни, кун оша ёмғир ёғавериб, биринчидан ўтни кўпайтириб юборган бўлса, иккинчидан шу ўтни йўқотиш учун ишлаш имкониятини бермай қўйди.

— Бир кун тушгача ишлаймиз,— ташвиш билан сўзлайди колхоз раиси Кибор Мамедов, —ёмғир ёғиб қолиб даладан чиқиб кетамиз. Эртасига ёмғир эрталабдан бошлаб, аранг кечки пайт далага чиқиш имконияти бўлади. Ахвол шунака бўлавериб далада ўт кўпайиб кетди. Экинни ўт босдими, деҳқоннинг тинчлиги бузилади. Колхоз правленияси, партия ташкилоти қишлоғимизда яшовчи барча кишиларга мурожаат қилди. Бу чақириқни ҳисобчилар, мактабларнинг ўқитувчилари, кексалар қўллаб-қувватладилар. Ҳамма далага, ўтни йўқотишга отланди. Якдиллик билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Ҳозир ғўзамизга берилган ўғитга бегона ўт шерик бўлаётгани йўқ.

Далаларда бўлиб карталарни кўздан кечирсангиз ҳақиқатан ҳам ёшу қари, эру аёл, ҳисобчию-ўқитувчи мўл ҳосил учун курашда актив қатнашаётганлигини кўрасиз.

— Шундай қилмасак бўлмас эди,— давом этади раис,—обу-ҳаво туфайли ғўзамиз кечикиб бўлиб қолди, деб ўтирадиган бўлсак уялиб қолиш ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат тўғри. Кўклам, ёз, куз деҳқон учун қулай келган йилларда сал-пал табиий қийинчиликларни енгиб плани, мажбуриятни бажариш, албатта бу ҳам осон эмас-ку, аммо бу йилдаги шароитда маррага етишни ҳақиқий қаҳрамонлик деса бўлади.

Икки-уч марта қайта-қайта чигит экиш, селга, дўлга, шамолга дуч келиб ғўзанинг ривожи суст бўлаётгани шижоат билан ишлашни, оқилона тадбирларни кўришни, жонбозлик кўрсатишни талаб қилади. Чорвадор, боғбон, қишлоқ зиёлисининг ҳам диққат-эътибори далада, ғўзада бўлаётгани ҳам шу важдан. Умурзоқ Бухорбоев, Абдуалим Абдуллаев, Нажаб Айвазовлар ёш бўлсалар ҳам пахтачилик илмининг етук донишмандларидирлар. Улар унча-мунчага тошиб, саросимага тушиб ўзларини йўқотиб қўядиганлардан эмаслар. Ишнинг кўзини билиб қиладиган тадбирли пахтакор бўлгани учун ҳам бугунги кунда улар звеносидаги ғўзалар шоналаш даврига кирган. Бу мирзиқорларни қаноатлантирмаяпти. Улар, бу вақтда ғўзамиз гуллаши керак эди, деб бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаётирлар.

Янгийўлдаги «Интернационал» колхозининг аъзолари ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаган эдик, шу ахдимиздан қайтмаймиз, июнь ойи ичи ғўзамизни бултурги шу вақтдаги нормал ҳолатга етказиб оламиз, демоқдалар. Ҳамиша ваъдасига вафодор интернационалчилар бу сўзларининг ҳам устидан чиқадилар, албатта!

М. САЛИМЖОН.

ШИЖОАТ ВА МАҲОРАТ КЎРСАТАЙЛИК

Ёз бошланди. Деҳқон ноз-неъматлари эл дастурхонига тортиладиган пайт. Лекин табиат ҳамон инжиқлигини қўймаяпти. Булутсиз, ёғин ёғмаган кун деярлик йўқ деса бўлади. Ҳаво салқин келиб, экинлар, мева-чева ҳа деганда пишиб етилмаяпти. Табиатнинг қайсарлиги, нотантилиги деҳқонлар ишини анча мураккаблаштириб юборди, бирмунча қийинчиликлар рўй бермоқда.

Баъзи хўжаликларнинг ерига назар солсангиз, кўчатларнинг нотекис ривожланаётганлигини кўрасиз. Дўл ва сел олиб кетган ерларда эндигина ғўзалар икки қулоқ бўлган. Айрим жойларда уруғ энди ниш уряпти. Баъзи ерларда эса ғўза шоналаб ётибди. Шундай шароитда деҳқоннинг вазифаси жуда ҳам мураккаб ва масъулиятлидир. Унинг бутун фикри-зикри, диққат ва эътибори фақат бир нарсага: ҳосил тақдирига жалб этилган. Пахта деҳқонларимизнинг бахти ва саодати, ҳузур-ҳаловати, тинчлиги ва хурсандчилиги, бола-чақаси ва эл-юртнинг ризқи-рўзидир. Шунинг учун каттадан-кичикнинг хаёли, фикри ҳосил тақдирини ҳал қилишга қаратилган.

Ҳаво паст келиб, сурункасига дўл, жала, ёмғир ёғиб турган бир шароитда, экинлар тез ривожланмаётган, айрим жойларда ёввойи ўтлар, қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳосил тақдирига хавф солаётган бир пайтда нима қилмоқ керак? Бу савол ҳар бир деҳқон, механизатор, мутахассис ва хўжалик раҳбарларининг олдида турган биринчи масаладир. Шу мақсадда районларда, колхоз ва совхозларда, область партия ва совет ташкилотларида тез ва амалий, фойдали ва керакли фикр алмашилмоқда, тажрибакорлар билан маслаҳатлашилмоқда. Барча воситалар, тажриба ишга солинмоқда.

Илғор хўжаликлар ва тажрибакор уста деҳқонлар, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри йўл топиб, яхши маслаҳат берадиган, табиат қийинчиликлари ва инжиқликларини мардонавор енгган азамат пахтакорларимиз амалга ошираётган ишлар ҳаммага ибратлидир. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Терешкова номли ва «Полярная звезда» колхозлари, Оққўрғон, Янгийўл, Юқори Чирчиқ ва Бўка районидаги уста деҳқонлар доим даладалар. Улар ҳар бир туп, ҳар бир қатор ва гектар ҳақида ғамхўрлик қилиб, бирон кўчат ҳам нобуд бўлмасин, деб курашмоқдалар. Ўсишдан қолган ғўзалар алоҳида парвариш қилинмоқда. Ерда кўчатнинг ўсиши учун етарли иссиқлик бўлмаганини ҳисобга олиб, қатор оралари тез-тез юмшатилмоқда, ўт йўқотилмоқда. Ягананинг сифатли бўлишига, кўчатнинг гектарларда белгиланган миқдорда сақланиб қолишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўтган йилга нисбатан бу йил ғўза парваришида 8—10 кун орқада қолинмоқда. Бултур шу вақтда ғўза шоналаб, бирмунча хўжаликларда дастлабки гуллар кўринган эди. Ҳозир эса шонага кирган ғўза бор, лекин гуллаган ғўза кўринмайди. Бунинг ҳам сабаби ҳавонинг паст келганлигидир. Юқорида тилга олинган хўжаликлар бу аҳволни ҳисобга олиб, июнь ойида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтириш ва ўртадаги тафовутни тезда тугатиб, барча кўчатларни шона ва гулга киритиб олиш учун қўшимча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ҳар бир ер тупроқ шароитига қараб суғорилмоқда, культивация қилинмоқда ва ўғит берилмоқда. Илғор хўжаликларда ғўза парваришини намунали уюштириб, кўчатларни тўла сақлаб қолаётган ва гектарлардаги ғўзаларнинг белгиланган миқдорда бўлишини таъминлаётган колхозчилар ва совхоз ишчилари, механизаторлар тажрибаси оммалаштирилиб, рағбатлантирилмоқда.

Ҳосил учун кураш — ҳаммамизнинг муқаддас ва жонажон ишимиздир. Шу кечаю-кундузда ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси, механизатор ва мутахассис, колхоз ва совхоз ҳамда район ва область раҳбари ҳамда активининг диққат ва эътибори далада, ҳосил тақдири ҳал этилаётган пахтазорларда бўлмоғи керак. Ишда зўр уюшқоқлик кўрсатиш ва ташаббус билан моҳирона меҳнат қилиш, бутун маҳорат ва тажрибамизни ишга солиш даври келди. Ҳар бир пахтакор ва хўжалик раҳбарининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимининг, қишлоқ хўжалик мутахассисининг ишига пахта учун курашда, ҳосил тақдири учун курашда қандай амалий иш олиб бораётганлиги ва қўшаётган ҳиссасига қараб баҳо берилади.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари, район партия комитетлари ўзларининг ташкилотчилик, сафарбар этувчилик қобилиятлари ва маҳоратларини шу кечаю кундузда кўрсатсинлар. Ҳар бир коммунист ва комсомолнинг ўрни далада, колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида. Коммунистлар ва комсомоллар ишда илғор, ташаббускор ва намуна кўрсатсин. Унинг жасорати ва фидокорлиги бошқаларни ғайрат ва шижоат билан ишлашга сафарбар этсин. Партия ташкилотлари пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни ҳар тарафлама кучайтиришлари лозим. Дала шийпонлари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энг севимли, маданий ҳордиқ оладиган ва уларга маънавий куч бағишлайдиган жой бўлсин. Афсуски, ҳали кўпгина хўжаликларда дала шийпонлари жиҳозланмаган, турли плакатлар ва илғорларнинг суратлари ҳамда шу кечаю-кундузда қилиниши лозим бўлган ишларга чақирувчи шиорлар билан безатилмаган. Партия ташкилотлари дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантириш учун ва уларнинг мунтазам равишда намунали иш олиб боришлари ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак.

Шижоат ва маҳорат билан иш олиб боришимиз зарур! Бу — шу кунининг жанговар шиоридир. Фақат шундагина ҳар қандай қийинчиликларни енгиш, мамлакат олдида олинган юксак социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштиришни таъминлаш мумкин. Колхоз ва совхозларда социалистик мусобақани кучайтириб, ғўза парваришини намунали олиб бораётган хўжаликлар тажрибасини кенг оммалаштирайлик. Қишлоқ қалбига йўл топиб, уларни фидокорона ишлашга сафарбар қилайлик.

Колхоз ва совхозларда агротехника советлари ҳар йили муваффақиятли иш олиб бормоқда. Улар шу кечаю кундузда далаларни кезиб, қайси ерда қандай иш олиб бориш кераклигини зудлик билан аниқлашлари, ғўза парваришини кучайтиришда колхозчилар ва совхоз ишчиларига яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўлишлари лозим. Бирон кўчат ҳам, бирон гектар ҳам эътибордан четда қолмасин. Сув талаб ерлар тезда суғорилиши керак. Сувчилар ҳосил тақдири уларга ҳам боғлиқ эканлигини унутмасликлари лозим. Культивацияни сифатли ўтказиб, ғўзанинг нормал ўсиши учун етарли иссиқлик пайдо қилиш, қатқалоққа йўл қўймаслик, ёввойи ўтларни йўқотиш ва барча ерларда ғўзанинг бир текис ўсишини таъминлаш — шу кунинг муҳим вазифасидир.

Областимиз пахтакорлари бундан олдинги йилларни ҳам мардлик, шижоат кўрсатиб, табиатнинг ҳар қандай қийинчиликларини енгиб, пахтадан улкан хирмон кўтарганлар. Улар бу йил ҳам ана шундай жасорат ва маҳорат кўрсатмоқдалар. Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари ва қаҳрамонлигига эл-юрт қойил қолмоқда, балли, демоқда.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР, ИШДА МАҲОРАТ КЎРСАТАЙЛИК. ҲОСИЛ УЧУН КУРАШ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ!

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕКОБОД. Яқинда 1-«Далварзин» совхозининг пахтакорлари 2-«Далварзин» совхозининг бўлимларида бўлиб, ғўза парваришининг аҳволи билан танишдилар.

Мусобақадошлар қатор оралариga ишлов беришдаги амалга оширилаётган тадбирларни маъқуллаш билан бир қаторда ғўза парваришида участка ва звеноларда ўй берган камчиликларни тезроқ йўқотиш ҳақида ўз фикрларини айтдилар. Ғўзани бегона ўтлардан тез кунда тозалаш, культивацияни сифатли ўтказишга мусобақадошлар эътиборини жалб қилдилар.

Т. Усмонов,
И. Кенжаев.

ОҚҚУРҒОН. Навоий номли колхозда ғўзани иккинчи марта парвариш қилиш тугалланай, деб қолди. Колхозчилар қатор оралариga ишлов беришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланаётганликлари сабабли ғўзалар тез ривожланмоқда. Олдинги участкалардаги нуқсонлар ёппасига шонага кирди.

В. Тошхўжаев.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Эргаш Қўзибоев — «Партия XXII съезди» колхозининг илғор механизаторларидан. У куни билан меҳнат қилиб, ўзи раҳбарлик қилаётган звенодаги ғўзаларни сифатли культивациядан чиқармоқда. Ҳозир звено далаларида бирорта бегона ўт тополмайсиз. Парда Ашуров, Абдураҳим Эргашев каби механизаторлар раҳбарлик қилаётган звеноларда ҳам аҳвол яхши.

М. Долимов.

ЯНГИЙЎЛ. Усмон Юсупов номли «Халқобод» комбинатида иш кизғин. Коллектив ҳар куни юзлаб килограмм помидор, бодринг, сабзи, олма ва бошқа маҳсулотларни шаҳарликларга жўнатиб турибди.

Боғ-роғларни, сабзавот пайкалларини парвариш қилишда И. Бадалбоев, А. Ахмедов, Н. Алиқулова, О. Раҳимов каби механизаторлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Х. Тошматов.

АРХИВЧИЛАР ЮБИЛЕЙИ

Республика жамоатчилиги архив ишини қайта тузиш ва марказлаштириш тўғрисида В. И. Ленин имзолаган декретнинг 50 йиллигини нишонлади. Шу сана шарафига Тошкентда 13 июнда тантанали йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов йиғилишни очиб, архив хизмати ходимларига табрик топширди. Республика Министрлар Совети ҳузуридаги архив бошқармасининг бошлиги О. А. Мирзабоев шонли сана ҳақида суҳбат қилди.

Республикамиздаги турли ташкилотларнинг вакиллари юбилярни қизғин табриклардилар.

Шу куни республика Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин архив муассасалари ходимларидан бир группасига «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни ҳамда республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқларини топширди. (ЎзТАГ).

УРХО КЕККОНЕН МОСКВАГА КЕЛДИ

Финляндия республикасининг президенти Урхо Калева Кекконен СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан 13 июнда дам олиш учун ғайри расмий визит билан Москвага келди. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 14 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
БЕКОБОД	—	103,4
Оққўрғон	—	78,3
Ўрта Чирчиқ	4,1	75,6
Бўка	1,2	65,5
Янгийўл	—	61,6
Калинин	—	42,6
Оржоникидзе	1,4	31,0
Юқори Чирчиқ	—	26,9
Область бўйича:	0,9	59,3

ЙЎЛДОШ ШАҲАР ОРБИТАСИ

Ўзбекистон пойтахтининг йўлдоши — Сергели мамлакат энергетикларига ўзининг ташрифномасини «топширди». Бу ердан Бошқирдистонда қурилаётган Карманов ГРЭСи номига муддатидан илгари шчит қурилмалари комплекси жўнатилди. 1968 йилда ишга туширилиадиган бу объектнинг уч юз минг киловатт қувватли энергоблоки ускуналари Тошкент электротехника заводининг филиалида тайёрланган.

Шу йилнинг охиригача завод Совет Иттифоқининг иссиқлик электр станциялари учун 16 минг дона шчит қурилмалари етказиб беради. Бу қурилмаларнинг ҳар тўрттасидан бири Сергелида очилган филиалда йиғилади.

Тошкентдаги «Узгипротяжпром» институтида Ўзбекистон пойтахтининг йўлдош шаҳрида жойлаштириладиган саноат корхоналарининг бош схемаси ишлаб чиқилди.

— Сергелида ўттиздан ортиқ корхона қуриш мўлжалланади, — деди лойиҳанинг бош инженери М. И. Теченюк. — Бу корхоналарнинг ҳаммаси шу беш йилликдаёқ ишга туширилиши керак. Бу ерда йўл қурувчи машиналар ва бинокорлик машиналарини ремонт қиладиган завод ҳамда Ўрта Осиёда энг катта мебель комбинатининг корпуслари қад кўтаради. Мебель комбинати йилига 16 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқара оладиган бўлади. Сергелида йилига олти юз минг квадрат метр дераза пардаси тайёрлашга мўлжалланган офтобни тўсувчи қурилмалар заводи ҳам бунёд этилади. Бу корхонанинг машина-ускуналарини Италиядаги «Имас» фирмаси етказиб беради.

Сергелида қуриладиган корхоналар Тошкентга йўлдош шаҳар аҳолисини ўз жойида иш билан таъминлашга имкон беради.

(ЎзТАГ).



ОҲАНГАРОН пластмасса буюмлари заводи коллективи бу йил 300 минг метрдан ортиқроқ линолиум маҳсулоти ишлаб чиқараётган материал қурилмаларини ишлатилмоқда. Суратда: линолиум ишлаб чиқариладиган бўлим.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

СЎНГГИ СОАТДА

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ ПРАГА. (ТАСС). Ханойда Вьетнам Демократик Республикаси билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида Вьетнамга транспорт шоҳобчаларини қайта тиклашда ёрдамлашиш тўғрисидаги битим имзоланди.

✦ ХАНОЙ, 14 июнь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг қаҳрамон ҳаво мудофаачилари 8 июнда Винъ шаҳрининг ўстида Америка самолетини уриб туширдилар. 10 июнда Вьетнам халқ армияси зенитчилари Куангбинь вилояти ўстида Америкаларнинг яна бир самолетини уриб туширдилар. ВДР ҳаво масофаларига бостириб кирган икки Америка самолети зенитчиларнинг аниқ отган ўқи билан 11 июнда Хатинь вилояти тепасида қулаб тушди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, Американинг Шимолий Вьетнам территорияси ўстида уриб туширилган самолётлари сони 2974 тага етган.

✦ ДЕҲЛИ. Мадрас шаҳри районларидан бирида чиққан ёнгин натижасида 700 уй ёниб кетган, 4000 га яқин киши бошпанасиз қолган. ПТИ агентлиги ана шу ҳақда хабар беради.

✦ ПАРИЖ. Француз матбуоти миллий федерацияси нундалик газеталарининг нархи оширилганлиги ҳақидаги хабарни босиб чиқарди. Газета нархининг оширилишига, дейилади федерация баёнотида, иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлган.

(ТАСС).

ТУРКИСТОН БОЛЬШЕВИКЛАРИ

ТУРКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИГА

ТУРКИСТОНДАГИ КОММУНИСТ ЎРТОҚЛАРГА

Ўртоқлар! Менга Халқ Комиссарлари Совети ва Мудофаа Совети Раиси сифатида эмас, балки партия аъзоси сифатида сизларга мурожаат қилишга рухсат этингиз.

Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Мен сизлардан бу масалага айниқса эътибор беришингизни, — Туркистон халқлари билан намуна кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни, — бошида Британия империализми турган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни — бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашингизни ва унинг директиваларига, яъни худди шу руҳда унга Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директиваларга қаттиқ риоя қилишингизни сизлардан жуда илтимос қиламан.

Агар сизлар менинг шу хатимга жавоб берсангиз ва масалага қандай қарашингизни билдирсангиз, мен жуда ҳам миннатдор бўлар эдим.

Коммунистик салом билан

В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН).

● ● ● ●

Бу хатни Ленин 1919 йил октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг Туркистонга юборилиши муносабати билан ёзган. Комиссиянинг мақсади Туркистонда миллий сиёсатни амалга ошириш маҳаллий ходимлар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишдан иборат эди.

Комиссия юборилганга қадар ҳам РКП(б) Марказий Комитети туркистонлик раҳбар ходимларга улар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатиш зарурлиги ҳақида кўргазма берган эди. И. В. Сталин имзоси билан Ўрта Осиё Фавқулодда комиссиясининг номига 1918 йил апрелда юборилган телеграммада Туркистон ўлкасига автономия бериш ҳақида ва Туркистоннинг меҳнаткаш халқ табақаларини Совет ҳокимияти органларига иқтиёлаштириш сиёсатини амалга ошириш ҳақида кўрсатма берилди. Маҳаллий аҳолини давлат ишига жалб қилиш масаласи Туркистон ҳукумати номига РКП(б) Марказий Комитетининг 1919 йил 22 июлда юборган радиограммасида алоҳида кўрсатилди.

Ленининг хати 1920 йил январда Туркистон Коммунистлар партиясининг умумпартия V ўлка конференциясида ишлаб чиқилди. Конференция Ленинга хат орқали мурожаат қилиб, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети комиссияси билан биргаликда ишлаб, йўл қўйилган хатоларни тузатишга ваъда берди.

КУНИ кеча бир группа кекса коммунистлар редакциямизда меҳмон бўлишди. Улар Туркистон Коммунистлар партиясининг биринчи съезди арафасида партия сафига кирган ва съезд қарорларини амалга оширишда актив қатнашган эдилар. Суратда: кекса большевиклардан (чапдан) Н. Холмухамедов, Р. Шермуҳамедов, Ҳ. Дониёрхўжаев ва Ш. Азимов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

БИРИНЧИ СЪЕЗД

Кун тартиби:

1. Жойлардан докладлар;
2. Жойлардаги партиявий ишлар тўғрисида;
3. Мусулмон пролетариати ўртасида партиявий ишлар;
4. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия комитетининг докладлари;
5. Нашриёт ишлари;
6. Партия маркази билан алоқа ва ўзаро муносабат;
7. Ҳозирги давр;
8. Туркистон Республикасининг партия марказини ташкил этиш.

Белгиланган тадбирлар:

1. Туркистон республикасининг давлат тили — рус ва турк халқлари тиллари деб ҳисоблаш;
2. Барча область, уезд ва маҳаллий Советлар ҳузурида «Энг изчил агитация олиб бориш ҳамда мусулмонлар оммасини совет ишларига кенг жалб қилиш учун» миллий ишлар бўйича комиссариатлар тузиш;
3. Барча расмий органлар ва партия матбуотини рус ва турк тилларида нашр этиш;
4. Маҳаллий аҳоли орасидан «социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун» Қизил Армия қисмлари тузиш;
5. Ерлик аҳоли меҳнаткашлари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш учун тажрибали партия ходимларидан пропагандист кадрлар тайёрлаш.

1918 йил, июнь. Туркистон Коммунистлар партиясининг I съезди.

1924 йил, май. Туркистон Коммунистлар партиясининг VIII съезди.

БЎРОНДА ТУҒИЛГАНЛАР

Шу йилнинг 17—25 июнида Туркистон Компартиясининг I съезди бўлиб ўтганига 50 йил тўлади.

ТКП нинг I съезди ўлка большевикларининг ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлди. Съезд Ўрта Осиёдаги большевистик ташкилотларни ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва расмийлаштиришдек узоқ ҳамда мураккаб жараённи охирига етказди.

Революциягача қадар Туркистонда мустақил большевистик ташкилотлар йўқ эди. Большевистик группалар ва айрим большевиклар ўша пайтда иш олиб бораётган социал-демократик ташкилотларга киришганди.

Бундай группа ва тўгараклар ўлкада 1901—1904 йилларда вужудга кела бошлади. Россия ва Закавказьедан чор ҳукумати Туркистонга сургун қилган революционерлар бундай группа ва тўгаракларнинг ташкилотчилари эдилар. Тошкентдаги тўгаракларнинг биринчи ташкилотчилари ишчилардан В. Д. Корнюшин, К. Д. Литвишко, Самарқандда — большевик М. В. Морозов, Қизил Арвотда — П. Александров, Ахшабодда — В. Бакрадзе ва А. Хочиев бўлганлар. Дастлабки вақтларда социал демократик тўгарак ва группалар ғоявий-ташкилий жиҳатдан бўш бўлиб, улар асосан ишчилар орасида марксизм ғояларини тарғиб қилиш билан чекланишар эди.

Социал-демократик ҳаракат ўлкада 1905 йил революцияси даврида янги босқичга кўтарилди. Бу даврда тўгараклар Туркистондаги бир қатор шаҳарларда ишчиларнинг забастовкачилик ҳаракатини уюштира бошладилар, стачкалар комитетлари ишида актив қатнашдилар, варақалар тарқатишди. Социал-демократлар Москва, Петербург, Закавказье ва бошқа шаҳарлардаги партия комитетлари билан алоқада бўлиб турдилар.

1905—1907 йиллардаги революция мағлубиятга учрагандан кейин реакция большевиклар ва уларнинг группаларидан рақмсизларча ўч ола бошлади. Туркистондаги социал-демократик ҳаракатнинг кўзга кўринган арбоблари ҳам қамоққа олинди, кўплари сургун қилинди. Шунга қарамай, қўрқмас революционер — большевиклар яшириН ҳолда ўз фаолиятларини давом эттирдилар.

1910 йилнинг охиридан бошлаб Туркистонда социал-демократик ҳаракат яна активлашди. Тошкент, Самарқанд, Ашхабод ва бошқа шаҳарларда большевистик йўналишдаги социал демократик ташкилотлар қайта тузилди. Ана шу йилларда бу ҳаракатда Н. В. Шумилов, И. Т. Фиолетов, Я. Я. Упмал, А. П. Гольберг, П. Г. Полторацкий, В. В. Сахаров ва бошқалар актив қатнашдилар.

Тошкент группаси 1913 йил ноябрида «Ташкентский рабочий» газетасини чиқарабошлади. Газетада большевистик йўналишдаги мақолалар эълон қилинар, меньшевик ва эсерларга қарши кураш кучайтириб юборилган эди.

Февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг ўлка шаҳарларида социал-демократик ташкилотлар кенг кўламда иш олиб бордилар. 1917 йилнинг июнида Тошкентда тарихда РСДРПнинг иккинчи ўлка съезди сифатида машҳур бўлган иккинчи ўлка конференцияси бўлиб ўтди. Социал-демократик ташкилотларда большевикларни меньшевиклардан ажратиш учун катта иш олиб борилди. 1917 йилнинг кузига келиб большевистик группалар Чоржўй, Тошкент, Ашхабод, Перовск, Сулюкта, Қўқон ва бошқа шаҳарларда, декабрь ойига келиб эса Самарқанд, Наманганда, 1918 йилнинг бошларида Мерва, Қизил Арвот, Пишпек, Хўжанд ва Челкарда мустақил ташкилот сифатида расмийлашди. Большевистик ташкилотлар ва группаларнинг ўсиши ҳамда улғайиши билан уларнинг маҳаллий меҳнаткашлар орасидаги таъсир кучи ҳам ортиб борди. Февраль революциясидан кейин ана шу жойларда ишчи ва солдат депутатлари Советлари, касаба союз ташкилотлари тузилди.

Меҳнаткашларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, ўлка большевиклари 1917 йилнинг Октябрь кунларида ишчилар, солдатлар, шаҳар ва қишлоқлардаги камбағал деҳқонлар оммасининг капитализм ва мустамлакачиликка қарши курашига бошчилик қилдилар.

Октябрь революцияси Туркистонда ҳам ғалаба қозонди.

Социалистик революция ғалабасидан кейин партия қурилиши янада кучайди. Ўлка шаҳар ва қишлоқларида янги большевистик ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Бир қанча бошланғич партия ташкилотларини ўз атрофига бирлаштирган район, уезд, шаҳар партия комитетлари ташкил топди. Маҳаллий меҳнаткашлар вакиллари ҳисобига большевиклар сафи кенгайборди. Тошкентда мустақил Эски Шаҳар большевистик ячейкаси ташкил топди. 1918 йилнинг июнида ўлкада 2 минг большевикни бирлаштирган 20 дан ортиқ партия комитети бор эди. Партия раҳбар кадрлари ўсиб чиқди. Бироқ ўлкада раҳбарликни амалга оширувчи ягона партия маркази йўқлиги большевистик ташкилотлар ишини бир йўлга солиб, бошқариб туришга тўсқинлик қилаётган эди.

Буларнинг ҳаммаси барча партия комитетларини ўлканинг ягона партия ташкилотига бирлаштириш, раҳбарликни марказий усулда йўлга қўйиш зарурлигини туғдирган эди. Бу вазифани амалга оширишни большевикларнинг Тошкент ташкилоти ўз зиммасига олди.

1918 йилнинг июнь ойи бошларида Тошкент партия комитети барча маҳаллий партия ташкилотларига телеграммалар билан мурожаат қилиб, 1918 йилнинг 15 июнида Тошкентда Туркистон Совет Федератив Республикаси коммунист-большевикларнинг конференциясини чақириш мўлжалланаётганлигини билдирди. «Наша газета»нинг 5 июнь сонида ана шу ҳақда билдириш босилиб, конференциянинг кун тартиби, конференцияга вакиллар юбориш нормаси маълум қилинди. Конференцияга 12 партия ташкилоти — Тошкент, Самарқанд, Чоржўй, Хўжанд, Қўқон, Перовск, Актюбинск, Кушка, Челкар, Черняево, Мерва ва Қизил Арвот ташкилотларидан 43 делегат келди. 8 ташкилот вакиллари турли сабабларга кўра конференцияга келмади.

Конференция 1918 йилнинг 17 июнида Тошкент шаҳридаги Озодлик уйи (ҳозирги «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри биноси)да очилди. Шу куни биринчи мажлисда ўлка партия конференциясини Туркистон коммунистик партиясининг биринчи ўлка съезди деб эълон қилинди.

Жойлардан келган вакилларнинг докладлари, маҳаллий аҳоли ўртасида партия ишларини олиб бориш, бу ишларнинг форма ва методлари, маҳаллий меҳнаткашларни партия ва давлат қурилишига тортиш тўғрисидаги докладлар съезднинг диққат марказида турди. Жойлардан келган вакилларнинг докладларида маҳаллий большевистик ташкилотларнинг ўсганлиги ва ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги, ишчилар, чоракорлар ва камбағал деҳқонлар актив равишда партияга кираётганлиги, қатор қишлоқ ва овулларда большевистик ячейкалар ташкил топаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Жойларда, айниқса маҳаллий аҳоли ўртасида, партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, партиявий-оммавий ишларни яхшилаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Янги тузумнинг ҳаётбахшлиги ва истиқболнинг аниклиги докладчиларнинг сўзларида яққол сезилиб турди. Келажакка бўлган комил ишонч жойларда омманинг большевикларга бўлган ҳурмат-ишончини мустаҳкамлади, коммунистик партиянинг обрўси ортаборди. Маҳаллий аҳолини давлат қурилишига кенг жалб қилиш максадида съезд қатор тадбирлар белгилади. Бу тадбирлар ленинча миллий сиёсат Туркистонда амалга оширилишининг ифодаси эди.

Съезднинг ҳозирги давр ҳақидаги докладида Совет Россияси империализм қуршовида турганлиги, кора кучлар революцион пролетариатга ҳар лаҳзада ҳужум қилиб, уни яна қуллик занжирига солишга шайланаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Съезд республика пролетариатини ўз сафини ҳар хил бузғунчилар ва меньшевик-эсерлар ташвиқотининг қармоғига илинган кишилардан тозалашга чақирди, уларни меҳнат унумдорлигини ошириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун барча кучларини сафарбар этишга ундади.

Съезд ТКПни Россия Коммунистлар (большевиклар) партиясининг отрядларидан бири деб эълон қилди ҳамда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг большевиклар раҳбарлик қилаётган Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети ТКП Марказий Комитетига тамомила ва бутунлай бўйсунади деб қарор чиқарди. Етти кишидан иборат Марказий Комитет сайланганди.

ТКП нинг биринчи съезди ўлка партия ташкилоти ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. У большевистик комитетларни ягона ўлка ташкилотига бирлаштирди. Туркистон Компартиясини РКП(б)нинг таркибий қисми сифатида расмийлаштирди, ўлкада партия марказини тузди.

Съезддан кейин Туркистонда партия ташкилотлари иши янада активлашди, большевикларнинг давлат ва маданий-хўжалик қурилишидаги авангардлик роли кучайди. Ички партиявий ишлар жонлантириб юборилди. Партия сафлари айниқса шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашларнинг илғор қисми ҳисобига кенгайди.

1918 йилнинг июлида ҳозирги Ўзбекистон территорияси да етмишта большевистик ташкилот ва группа бор эди. Ўлкада эса бундай ташкилотлар сони 180 тага етди. Туркистонда маҳаллий халқлар тилида нашриёчилик ишлари йўлга қўйилди.

Партия ташкилотларининг ўсиши ва мустаҳкамланиб бориши меньшевиклар, эсерлар ва буржуа миллатчиларга қарши ғоявий кураш шароитида амалга ошди. 1919 йилга келиб, ана шу ҳамма буржуа ва майда буржуа партиялари ғоявий жиҳатдан тормор қилинди. Большевистик партия голиб чиқиб, Туркистонда ягона раҳбар партияга айланиб қолди.

Туркистон Компартияси 1924 йилнинг октябрь ойигача иш олиб борди. Ҳаммаси бўлиб унинг саккиз съезди ўтказилди. Бу съездларнинг ҳар бири Ўрта Осиё халқлари ҳаётида муҳим давр бўлиб ҳисобланади. ТКП раҳбарлигида ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларини тузиш. Ўрта Осиё халқлари экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, Қизил Армияни ташкил этиш, босмачилар ва оқгвардиячи шайкаларни тормор қилиш, Туркистонда ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш, маҳаллий меҳнаткашларни совет қурилишига кенг жалб қилиш, партия ва совет кадрларини тарбиялаш соҳасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди.

ТКП Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтирди. Миллий чегараланиш ўтказилгач. Туркистон Компартияси, шунингдек бу вақтга қадар мустақил иш олиб бораётган Бухоро ва Хоразм Компартияларининг Марказий Комитетлари тугатилди. Маҳаллий партия ташкилотлари Ўрта Осиёдаги миллий республикалар ва областларнинг коммунистик партиялари таркибига кирди.

Туркистон Компартияси ўз фаолияти даврида оммавий, миллий, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан ўсиб, жанговар ташкилотга айланди. Биринчи съезд арафаларида унинг сафида 2 минг коммунист бор эди. 1924 йил сентябрь ойига келиб, партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар сони 24 минг 166 кишига етди, шундан 14 минг 896 киши маҳаллий миллат вакиллари эди.

ТКП сафларида минглаб коммунистлар ўсиб етишди, ғоявий жиҳатдан чиниқди. Уларнинг кўпчилиги етук партия, совет ва жамоат арбоби даражасига кўтарилди. Улар орасида А. Раҳимбоев, Н. Тўрақулов, К. Отабоев, Н. Айтаков, Н. Хўжаев, А. Икромов, А. Бобожонов, И. Охунбобоев ва ўнлаб бошқа халқ фарзандларининг номини тилга олиш мумкин. Ўлкада дастлабки марксистик тўгараклар ташкил этган, социализм ғояларини кенг тарғиб қилган. Туркистон Компартиясини тузишда жонбозлик кўрсатган кишилар орасида М. Морозов, В. Корнюшин, К. Литвишко, В. Биховский, И. Фиолетов, Я. Упмал, П. Полторацкий, Н. Шумилов, А. Першин, В. Лянин, И. Тоболин, Ф. Колесов, В. Финкельштейн, В. Ботинцев, М. Троицкий, А. Солькин, В. Фидильский, А. Фролов, Я. Житников, А. Иванцин, В. Дмитриев, Д. Манжара ва бошқалар бор эди.

Эндиликда Ўрта Осиё партия ташкилотлари сафида 600 мингдан ортиқ коммунист бор. Улар коммунизм иши учун курашда авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Ўрта Осиёдаги Совет республикаларининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимияти йилларида экономика, маданият ва фанни ривожлантиришда, халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда мислсиз ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан Ўзбекистон ўтган ярим аср ичида замонавий тараққиёт чўққисига чиқиб олди. Бугунги Ўзбекистон Шарқда социализмнинг порлоқ машъали бўлиб нур сочиб турибди.

1918 йил

ЖАНГОВАР ЙИЛЛАР ХРОНИКАСИ

1 ЯНВАРЬ. Тошкентда 12 та большевистик партия ташкилоти иш олиб борди. Улар сафида 465 аъзо бор эди.

7 АПРЕЛЬ. Черняево (Чимкент)да меҳнаткашларнинг митинги бўлиб ўтди. Унда 2 мингдан ортиқ киши қатнашди. Митинг иштирокчилари Совет ҳокимиятига ишонч билдириш, «Ўзбек ишчи партияси» (большевистик партия ташкилоти)ни тузишга қарор қилишди. Бу ташкилот ишлаб турган қирғиз большевистик ташкилоти билан қўшилмоғи зарур эди.

22 АПРЕЛЬ. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. И. Ленин ва миллий ишлар бўйича Халқ Комиссари И. В. Сталин Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди ва Халқ Комиссарлари Советига табрик телеграммаси юборишдилар. Бу телеграммада улар Халқ Комиссарлари Совети Туркистоннинг совет асосларидаги автономлигини қўллаб-қувватлайди ҳамда бутун ўлка советлар тармоғи билан қоплананди, деб ишонч билдирдилар.

17 МАЙ. В. И. Ленин Туркистонда суғориш ишлари учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги Халқ Комиссарларининг декретига имзо чекди.

17—25 ИЮНЬ. Тошкентдаги Озодлик уйида Туркистон Коммунистик партиясининг I съезди иш олиб борди. Съездга 2 мингга яқин партия аъзосидан вакил қилинган 43 делегат келди.

ТКП нинг I съезди ўлкадаги большевистик ташкилотларни ягона Коммунистик партияга бирлаштириш жараёнини охирига етказди. РКП(б) Марказий Комитетининг раҳбарлигида Туркистон Коммунистик партияси ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, социалистик қайта қурилишни амалга ошириш учун меҳнаткашлар курашига раҳбарлик қила бошлади.

20 ИЮНЬ. Туркистон республикасининг миллий ишлар бўйича халқ комиссарлигининг органи бўлган «Иштрокиюн» («Коммунист») газетасининг биринчи сони (ўзбек тилида) босилиб чиқди.

21 ИЮНЬ. Жиззахда РКП(б) нинг умумшаҳар ташкилоти тузилди.

ИЮНЬ. РКП(б) аъзоларини рўйхатга олиш натижалари кўрсатишича, ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1917 йилнинг октябридан 1918 йилнинг 1 июлигача 70 дан ортиқ партия ташкилоти, РКП(б) комитети ва ячейкаси тузилган.

12 ИЮЛЬ. Қўқоннинг эски қисмида маҳаллий аҳоли вакилларидан ташкил топган Коммунистик партия ташкилоти тузилиб, бу ташкилотга 300 га яқин киши аъзо бўлиб кирди. Ташкилий мажлисда бу ташкилотни большевикларнинг умумшаҳар партия ташкилоти билан қўшилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

1 АВГУСТ. Фарғона областида РКП(б)нинг Асака ташкилоти расмийлашди.

4 АВГУСТ. Хўжандда Коммунистик партия ташкилоти тузилди.

5 АВГУСТ. Коммунист-большевикларнинг Янги Бухоро (Когон) партия ташкилоти вужудга келди.

АВГУСТ. ТКП Марказий Комитети ва Тошкентдаги чет эл коммунистлари марказий федерацияси вакилларининг раҳбарлигида Туркистондаги чет эллик ишчи ва деҳқонлар Коммунистик партиясининг Вақтли Ўлка Комитети тузилди.

17 СЕНТЯБРЬ. Самарқандда большевикларнинг 1 область съезди бўлиб ўтди. Область партия ташкилотида съезд иш бошлаган кунда 253 киши бор эди.

5—14 ОКТЯБРЬ. Туркистон республикаси Советларининг VI фавқулодда съезди бўлиб ўтди. Съезд Туркистон АССР Конституциясининг лойиҳасини тасдиқлади.

30 НОЯБРЬ. Тошкентда ТКП Вақтли Марказий Комитетининг ташаббуси билан ишчи-ёшлар митинги ўтказилди. Митингда Туркистон ёшлари социалистик союзини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

НОЯБРЬ. Тошкентда Бухоро коммунистларининг I съезди бўлиб ўтди. Съезд Бухоро Коммунистик партияси тузилганлигини эълон қилди.

16 ДЕКАБРЬ. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи бўлган «Туркестанский коммунист» газетасининг биринчи сони чиқди.

17—29 ДЕКАБРЬ. Тошкентда Туркистон Коммунистик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Съездда 18 минг партия аъзосидан 180 делегат иштирок этди. Съезд Вақтли Марказий Комитет ва ҳукуматнинг коммунистик фракциясининг фаолиятини маъқуллади. Унда қабул қилинган партия устави ва «Марказда ва жойларда партия ишлари тўғрисида»ги қарор партия сафларидаги тарқоқликка барҳам берди, партия ташкилотларининг кенг меҳнаткашлар оммаси, касаба союз ва бошқа оммавий ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Съезд «Эски коммунистлар»нинг партияга қарши фаолиятини қоралади ҳамда 7 кишидан иборат Марказий Комитет составини сайлади.

31 ДЕКАБРЬ. ТКП нинг II съездида сайланган Ўлка Комитетининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди. А. Ф. Солькин Ўлка Комитетининг раиси, Шокиров раис ўртоғи, А. П. Ермолов хазиначи, Ф. Ф. Новицкий секретари қилиб сайландилар.

Саҳифани тарих фанлари кандидати Ф. МАЛИХИН ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ходими Т. МИРҲОДИЕВ уюштирган.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА ЯРИМ АСР

СОВЕТ МЕДИЦИНАСИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИГА

ЮКСАЛИШ

Энг азиз ва мўътабар зот — бу инсондир. Инсон дунёдаги барча гўзалликларнинг ижодкори ва яратувчиси. Кишилар саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш шарафли касб эгалари — шифокорлар қўлига топшириб қўйилган.

Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун! Бу партия ва ҳукуматимизнинг қатъий шиори. Шунинг учун ҳам Совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки кунлардан бошлабоқ совет кишиси катта ғамхўрликлар билан қўршаб олинди. Улуғ доҳимиз В. И. Ленин 1919 йилда Коммунистик партиянинг программаси ишлаб чиқилганда халқ соғлигини сақлаш соҳасида партия амалга оширадиган вазифаларни ифодалаб берган эди. РКП (б) VIII съездида совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан оқилона тадбирлар белгиланди. Санитария тадбирларини амалга ошириш, аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, умумий овқатланишни илмий-гигиена асосларида йўлга қўйиш ва шунга ўхшаш кўп масалалар ишлаб чиқилдики, булар совет медицинасининг равнақи учун пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда медицина муассасаларининг эҳтиёжлари, шифокор кадрларни тайёрлаш ва тиббий фанларни ривожлантириш учун давлат бюджетида ғоят кўп маблағлар ажратила бошлан-

Суратларда: (юқорида) Шифохонанинг бир группа врачлари. (Пастда) шифохона ана шундай хушманзара, хушҳаво ерга жойлашган. А. Абалян фотолари.

ҚАЛБИ ОТАШ КИШИЛАР

✦ ЭСКИ ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ АДРЕСИ ✦ ТОШКЕНТ «ПЕТРОДВОРЕЦИ» ✦ МИКРОИҚЛИМ ВА САЛОМАТЛИК ✦ 70 ИЙЛЛИК ЮБИЛЕЙГА ТАЙЕРГАРЛИК

Тошкентда «Жуковский» номи билан машҳур бўлган Тез ёрдам клиник касалхонаси икки йил бурун янги жойга кўчди. Жуда кўп ташкилотлар, муассасалар қаторн унинг ҳам адреси ўзгаришига табиий офат — зилзила сабаб бўлди.

Чилонзор Оқтепасида интернат учун мўлжаллаб солинган бино беморларга бўшатиб берилди.

Бундай тасаввур қилинг-а, интернат қаёқда-ю, касалхона қаёқда! Ҳа, беморлар кутиб турмасди. Ҳар қандай шароитда ҳам уларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш зарур. Ўша ҳаяжонли кунлардаги врачларнинг меҳнати, уруш йиллари дала госпиталларидаги меҳнатни эслатарди.

Ўқиш ва ётоқхона учун мўлжалланган корпуслар тезлик билан касалхона шароитига мослаштирилди. Оддий уйлардан операция хоналари, ихтисослашган лабораторияларга вужудга келтирилди.

Ҳовли саҳни теп-текис волейбол, футбол майдончаларидан иборат эди. Бу тақир майдонга кўчатлар, гуллар ўтқазила бошланди.

Шифокорлар бу билан чекланиб қолишмади...

Сир эмас, Тошкентимизнинг иссиқ иқлим шароити беморларни толиқтириб қўяди. Айниқса касалхонада даволанаётганлар учун қийинчилик туғилади. Бош врач республикада хизмат кўрсатган шифокор Тўхтамурод Алимов ана шу ҳақда бош қотирарди.

— Микроиқлим вужудга келтирамиз, — қарор қилди тажрибали шифокор.

У хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Александр Богатовни хонасига чақирди. Унга ўз идеясини айтиб берди. Нималар қилиш кераклигини батафсил тушунтирди. Кўп ўтмай ингичка трубкалар олти гектарлик бутун территорияни эгаллади, қон томирларидек ҳаммаёққа қараб тортилди. Ҳатто бино корпусларининг томигача олиб чиқилди. Ҳаммаси бўлиб 2 минг та сув таратувчи майда сифонлар қўйилди.

Энди беморлар эрта билан, кечқурунлар ҳовлига чиқиб, ўзларини худди Ленинграднинг машҳур фонтанлари олдида, Петродворецда сайр қилиб юргандек ҳис этишади.

Майин сув зарралари кишн юзига келиб урилади. Палаталарда ҳам шундай. Кучли моторлар ёрдамида юқоридан ёғилаётган сув булутларга айланиб кетади ва гидроионлар ҳосил қилади. Ҳаво намланиб хоналардаги ҳарорат салқинлашади.

Гидроионизациянинг уйқусизлик, асаб, қон босими, ўпка, ҳаво йўлларининг хроник касалликлари кабиларда фойдаси жуда катта экан.

Ҳавони тозалаб турувчи микроиқлимнинг умуман ҳамма касалликларга нафи тегмоқда. Фонтанчалар ишлаб турган вақтда бу ердаги ҳаво ҳарорати шаҳарникидан тўрт-беш даража пасаяди. Шифохона хизматчилари ҳам (улар катта коллективни ташкил этади, мингга яқин медицина ходими ишлайди бу ерда) баҳаво даргохда яйраб меҳнат қиладилар.

Хона деразаларига тутилган чиройли пардалар, ташқарига ишланган оригинал железлар ичкарини жуда салқин тутмоқда. Гулзорлар, дарахтлар, кўркам беседкалар, кинотеатр, қурилаётган бассейн шифохонага чинакам санаторий чиройини бермоқда.

... 1898 йил Тошкент шаҳар Думасининг қарори билан Янги шаҳарда болалар орасида бўғма ва ич терлама касаллиги кенг тарқалиб кетган бир вақтда 20 койкалик юқумли касалликлар учун барак ташкил этилган эди. Ана шу барак базасида вужудга келган клиник касалхона ҳозир республикамиздаги энг кекса, энг илғор шифохонага айланган.

Ўзининг етмиш йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган бу шифохона шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг ҳурмат тахтасига ёзилган. Унинг ҳамма бўлимлари коммунистик меҳнат коллективи номини олган. 500 дан ортиқ медицина ходими эса коммунистик меҳнат зарбдори деган значок билан тақдирланган.

Бу ерда ўз касбининг чинакам усталари бўлган профессорлар Ольга Павлова, Михаил Постолов, П. Федорова, доцентлар Ильина, Файзиев, Нормуҳамедов, Московская, Ҳамроева ўртоқлар ишлашади. Коллектив Тошкентнинг энг кекса профессори Шорохова, қирқ беш йилдан буён оқ халатини ечмаётган республикада хизмат кўрсатган врач Мария Ахназарова, ташаббускор, тажрибали бўлим мудирлари Азиза Омилова, Мунаввар Усмонова, Тўлқиной Ҳасановалар билан ҳақли равишда фахрланади.

Шифокорлар кундалик практик иш билан бирга медицина фанининг ҳал бўлмай келаётган муаммоларини ечиш устида ҳам тинимсиз курашмоқдалар. Улар иссиқ иқлим шароитида турли хил касалликларни даволаш, операция қилиш хусусида бир қатор илмий ишлар ёздилар. Жумладан Азиза Омилова қулоқ, бурун, томоқ касалликларини даволашнинг янги методини қўллаш соҳасидаги кандидатлик диссертациясини яқинда муваффақиятли ёклаб чиқди. Умуман йил охиригача бу ерда тўрт киши фан кандидати унвонини олиш учун, бир киши фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланмоқда. Бу ўринда доцент Раҳим Нурмуҳамедовнинг кексаларни хирургия йўли билан даволаш юзасидан тўплаган катта материали диққатга сазовордир.

Терапевтларнинг иссиқ иқлим шароитида юрак, ошқозон яраси касалликларини даволаш соҳасидаги янгиликлари ҳам амалда самарали қўлланилмоқда.

Бугун совет медицинасининг шонли 50 йиллик байрами кунида Тошкент клиник касалхонасининг оқ халатли фидокорларини бу ерда шифо топган минг-минглаб кишилар чин кўнгилдан табриклашмоқда.

С. МУСАЕВ.

ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

Тожиддин ака бугун ишдан одатдагидан эртароқ қайтди.

Нурниса опа эрининг бироз ноҳушлигини чарчаганликка йўйдими, ҳарқалай билмасликка олиб:

— Дадаси жуда яхши бўлдида, кечки овқатда болаларимиз даврасида бўлдингиз, — деди.

Тожиддин ака ювиниб, одати бўйича янги келган газета-журналларни варақлашга тутинди. Худди шу дақиқани кутиб турғандек, қизчаси Гулсора чопқиллаб келиб:

Дадажон, бугун суюнчини каттароқ бераверинг, бир варақайига иккала акамдан ва тағин опажонимдан хат келди, ўзингиз биринчи очиб ўқинг дея, уларга қўл текказмадик, — деди.

— Ие, ҳали шундай хушхабар бор, дегин, ҳозир биргалашиб ўқиймиз...

Хатларни бурро тили билан шириллатиб ўқирди қизи Мавлуда. Унинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз Тожиддин аканинг танасига қимматбаҳо малҳам каби сингар, қувонч ва фахр туйғулари бахш этарди.

Катта қизи шифокор Мурриҳаой хатида Москвада Марказий стоматология илмий-текшириш институтида тугатаётган диссертацияси ҳақида хабар қилса, Ленинградда ишлаётган ўғли Рамзиддин — ёш биолог олим ҳам ўз кандидатлик диссертациясини институт олимлар совети муҳокамасига тақдим қилганини қувонч билан ёзибди. Учинчи хатни эса Ватан олдидаги ўз фарзандлик бурчини муваффақият билан ўтаётган ўғли Зиёвиддин ёзганди.

Кейинги хатни ўқиб бўлай, деб қолганда ота қувонч ёшларини ҳам яширмай, Мавлуданинг сўзларини бўлди.

— Нурниса, эшитяпсанми, ким ўйларди. Сиддиқхўжа фарзанди Тожиддинга шунчалик бахт мушарраф бўлар, деб. Оиламизда шундай олимлар у олималар фан, саноат равнақида ишлашга тайёр турган фарзандларимиз бор экан, қувонмайликми? ғалвирг очиги, мен хизматдан чарчабми, ёки бирор бетобликданми жуда ноҳуш қайтган эдим. Мана ҳозир норгил йигитлардан ҳам бардамман, чарчоғимдан заррачаси ҳам қолмади.

... 1934 йил. Ҳали айрим юқумли касалликлар олдини олиш борасида катта вазифалар турган бир давр эди. Врачлик дипломини олган Тожиддин Сиддиқхўжаев қалб амри билан Самарқанд областидаги Нурота районига ишга отланди. Ўзининг ишчанлиги, камтаринлиги билан кишилар ўртасида обрў қозонди.

Йиллар ўтди. У Тошкент яқинидаги Кўктерак қишлоқ касалхонасига бош врач қилиб тайинланди. Кўктеракликлар ишчан врачга катта ихлос қўйдилар. Врач вақт билан ҳисоблашмай, беморлар хизматида бўлди.

Медицина техникумини тугатиб касалхона акушерлик бўлимига ишга келган Нури Тожиддин аканинг фикрининг эмас, бутун қалбини ҳам жалб этди. Улар аҳду паймон билан умр қурдилар. Бахтиёр оилага асос қўйилди.

Нури фақат яхши шифокор бўлиб қолмасдан, ўша вақтларда илмга чанқоқ қишлоқ аҳолисига хат-савод ҳам ўргатди. Бу хизматлари эвазига Тошкент шаҳар саводсизликни тугатиш маданий юриш штабининг алоҳида ёрлиқ мукофотига сазовор бўлади.

Советлар даврига катта қулфатлар олиб келган Улуғ Ватан уруши йилларида Тожиддин ака ҳам Ватан ҳимоясига отланди. Тўрт бола билан қолган Нури опа ҳар галги хатида ўз эрини тинчлантирар, болаларининг осойишта ҳаётидан хабардор қилиб турарди.

Уруш йиллари ҳам ўтиб кетди. Халқимиз ажойиб ғалаба кунига ҳам етишди. Тинч меҳнатга қайтган Тожиддин ака бўлғуси шифокорларга медицина сирларини ўргатишга киришди.

Тожиддин ака ҳозир Тошкент Давлат медицина институти нормал анатомия кафедрасининг ассистенти бўлиб ишлайди. Институтнинг кўп сонли шифокор коллективининг улкан ишида унинг ҳам муносиб улуши бор.

А. ОҚИЛОВ,
медицина фанлари кандидати.



ЙЎЛИДАН

ди. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Ўзбекистонда фақат 65 та амбулатория муассасаси, 976 ўринли кичик-кичик 54 та касалхона, 33 та дорихона бор эди. Уларнинг аксарияти асосан шаҳар территориясида жойлашганди.

Ўшанда аҳолига 102 врач, 234 фельдшер, 39 тиш врачи ва 80 фармацевт хизмат кўрсатар эди. Булар, албатта жуда оз эди.

Улуғ Ленин 1918 йилнинг 11 июлида мамлакатда соғлиқни сақлаш ишларини бошқариш учун дунёда биринчи давлат органи — соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигини ташкил этиш ҳақидаги Декретни имзолади. Шундай қилиб, турли муассасалар, ташкилотлар ва шахсларга тегишли бўлган ҳамма медицина-санитария муассасалари комиссарлик ихтиёрига ўтди.

Бетоб бўлган вақтда ёрдам олиш учун страхование ҳақида, дорихоналарни ва медицина мулкларини национализация қилиш тўғрисида, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хусусида, чечакка қарши мажбурий эмлаш тўғрисида ҳам декретлар эълон қилинди.

Тошкентда 1918 йилда очилган медицина мактаби пойтахтимизда ташкил этилган тўнғич даргоҳлардан бири бўлди. Орадан сал ўтмай санитария-бактериология институти ҳам иш бошлади. Бирин-кетин янги шифохона ва медицина муассасалари ташкил этила бошланди.

Ўшандан бери ярим аср вақт ўтди. Бир вақтлар қолоқ ўлка ҳисобланган республикамиз маданияти юксалган фаровон ўлкага айланди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари яхшиланди. Медицина фанининг кўп тармоқлари вужудга келди. Даволашнинг илғор методлари медицина практикасида кенг қўлланила бошланди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва соғлиқни сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» деб чиқарган қарори муҳим ҳужжат бўлиб қолди. Қарор асосида жойларда медицинанинг қатор тармоқлари кенгайди.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системасида 11 та авиация-санитария станцияси, 100 дан ортиқ «Тез ёрдам» станцияси, 330 га яқин хотин-қиз ва 360 дан ортиқ болалар консультацияси, 40 дан ортиқ медицина санитария қисмлари, 800 дан ортиқ дорихона ва бошқа пунктлар бор. Бундан ташқари яхши жиҳозланган санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар меҳнаткашлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Совет медицинасининг 50 йиллиги нишонланаётган шу кунларда босиб ўтилган шонли йўлни эслаб ўтиш нақадар завқли! Ҳа, шу ярим аср мобайнида медицинамиз беқиёс юксалди ва тараққий этди.

ДОНОЛАР САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА

● Илмдан кўра ўлим ҳақида фикр юргизиш қаттиқ маҳолдир.
БОЭЦКИЙ.

● Табиат ўз марказида жим туришни билмайди, ҳар қандай ишёқмасликни жазолайди.
В. ГЕТЕ.

● Актив узоқ умр кўриш манбаи — меҳнатдир.
И. МУРАВЬЕВ.
Е. СТЕЖЕНСКАЯ.

● Кимки касалликдан қўрқиш таъсирига берилган экан, у қўрқиш касалига ҳам мубтало бўлади.
МОНТЕНЬ.

● Одамлар касалликларини табиатдан яширсалар ўзларига хиёнат этган бўладилар.
«КАЛИЛА ВА ДИМНА»дан

● Табиатнинг ўз юзи бўлса заъфарон,
Қизил юзга увдан истама дармон.
Шайх САЪДИЙ.

● Агар киши қарир экан, ёшлик чоғига қараганда кўпроқ машғулот қилиши керак.
В. ГЕТЕ.

● Уйқусизлик бош миянн функционал чарчатади, асабнн бузади, тез қаритади.
А. ПЕТРОВА.

● Дард кетганда уйқу келар,
ХАЛҚ МАҚОЛИ.

Тўпловчи:
З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

БИЗНИНГ ИСРОИЛ АКА

Исроил ака Ғойибназаров касалхонага барвақт келди. Шифохона гулзори атрофида давра қуриб ўтирган бир гуруҳ беморлар ёнига яқинлашди. Улар билан ҳол-аҳвол сўраши.

— Ислом ака, анча дурust кўринасиз. Яна бир-икки кун ўтгач, рухсат берамиз, — деди шифокор очиқ чеҳра билан.

— Мен ҳам ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, — сўҳбатга аралашди бемор Толиб ака.

— Ҳа, кўриниб турибди. Анча ўзингизни тутиб олдингиз. Дори-дармонларни ўз вақтида ичиб турсангиз, дард кўрмагандек бўлиб соғайиб кетасиз...

Врач И. Ғойибназаров беморнинг соғлиғини кўздан кечирмоқда.

Беморлар билан бўлган бу илиқ ва самимий суҳбат даврадагиларнинг кўнглини кўтарди. Ахир айтишади-ку, яхши сўз юракка малҳам деб!

Шифокор Исроил Ғойибназаровнинг одати шундай. У ўз қабулхонасига кириб боргунча йўл-йўлакай беморлар билан суҳбат қуради, уларнинг аҳволини суриштиради. Вақтдан фойдаланиб медицина темаларида суҳбатлар ўтказади. У ошқозон-ичак касалликларининг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида беморларга кўп нарсани гапириб берди. Суҳбатлар вақтида кўплаб саволлар берилди, уларга Исроил ака далиллар асосида жавоб қайтаради.

Жонкуяр шифокор Калинин районидаги «Юнусобод» қишлоқ касалхонасининг тажрибали врачларидан бири. Уни катта-кичик бирдек ҳурмат қилади. Касалхона коллективи райондаги Карл Маркс номли ва «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозларини ўз оталигига олган. Врачлар вақти-вақти билан далаларга чиқиб, колхозчилар сиҳат-саломатлигини кўздан кечирадилар, медицина темаларида мазмунли суҳбат ўтказишади. Ана шундай тадбирларни амалга оширишда шифокор Исроил ака Ғойибназаров доим бош-қош.

Ж. ХУЖАЕВ,
врач.

АЗИЗ ВА МЕҲРИБОН

Касалхонага бемор аёлни олиб келишди. Унинг дарди анча оғир эди. Устига-устак, ўпкаси шамоллабди. Шунинг учун у нафас ололмас, ҳаво етишмаслигидан қийналарди.

— Кислород ҳам ёрдам бермади. Нима қилиш керак? Марям опа Жалилова қараб турмади. У бой тажрибасини ишга солиб, ҳамма тиббий чораларни кўрди. Бемор ўзини енгил ҳис қила бошлади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, соғайиб кетди.

Моҳир шифокор Марям опа ўзининг кўпйиллик меҳнат фаолияти давомида кўпгина бундай воқеаларнинг шоҳиди бўлди. Оғир касалликка чалинган беморлар бу шифокор қўлида дардларига даво топдилар.

Шифокор меҳнат қучоғига илк бор қадам қўйган йилларини эслаганда бир воқеа сира-сира эсидан чиқмайди. Ўшанда у ишга янги келган эди. Бир куни эртадан кечгача қабулхонада ўтирди. Ҳеч ким қабулга келмади. Марям ҳайрон бўлди. Кейин билса, беморлар ўз касалини шифокорлар қолиб, табибларга кўрсатишар экан.

Шу орада нима бўлди-ю, касалхонага бўғма касали билан оғриган уч-тўрт ёшлар чамасидаги болани олиб келишди. У оғир нафас олар, ҳарорати жуда баланд эди.

Марям ўзини йўқотмади. Илмини, тажрибасини ишга солди. Кечаси билан мижжа қоқмай, бола устида парвона бўлди. Ўз вақтида кўрсатилган медицина ёрдамидан сўнг, бола кўзини очди.

Шу-шу бўлди-ю, беморлар касалхона хизматидан баҳраманд бўла бошлашди.

Ўз касбига катта ихлос қўйган Марям Жалилова Самарқанд Давлат университетининг медицина факультетини ўзбек хотин-қизлари ичида биринчилар қатори тугатган шифокор. Мана шунга ўттиз йилдан ошиқ вақт ўтибди.

Ҳозир у Тошкент самолётсозлик заводининг медицина-санитария қисмида фаол меҳнат қилмоқда. Ундан ҳамма хурсанд.

У. НАЗАРОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Кибернетика институтида ҳозир қатор темалар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ерда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида оптималь планлаштириш ва бошқаришнинг илмий асослари яратилмоқда. Суратда: инженер Ф. Содиқова электрон-ҳисоблаш машинаси ёнида. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

«ПОЛИТОТДЕЛ» ЯНА ПЕШҚАДАМ

13 ИЮНЬ КУНИ «Политотдел» колхози футболчилари Усть-Каменогорскнинг «Восток» командасини қабул қилдилар. Ўйин ҳамшаҳарларимизнинг устунлиги билан ўтди. Бунн учрашув натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Майдон эгалари рақиблар дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар.

Бу ғалаба «Политотдел»нинг турнирда яна пешқадам бўлиб олишига имкон берди. Унинг асосий рақиби «Иртиш» шу кунн Томск шаҳрида «Томлес» командасидан 0:1 ҳисобида енгилиб, иккинчи ўринга тушиб қолди.

Бу тур мусобақалари умуман майдон эгаларининг ғалабаси билан тугади. Жумладан «Луч» ўз майдонида «Аэрофлот»ни 3:0 ҳисобида. Хабаровск армиячилари «Рассвет»ни (2:0), «Помир» эса Душанбанинг «Энергетик» командасини (2:1). «Темп» (Барнаул) Новосибирск армиячиларини (2:0), «Кузбасс» Қарағанда кончиларини (1:0) мағлубиятга учратдилар. Фақат биргина ўйинда меҳмонлар устунлик қилишди. Бу Ашхабоднинг «Строитель» командаси билан «Олға» футболчилари ўртасидаги учрашувда юз берди. Фрунзеликлар сафарда икки очко олдилар (1:0).

МАМЛАКАТ чемпионатининг олий лигасида битта учрашув бўлди. «Локомотив» ўз майдонида «Черноморец» билан дуранг ўйнади. Ҳисоб 0:0. Бу учрашув турнирда ҳеч қандай ўзгариш ясай олмади. Москва темир йўлчилари ҳам Одесса денгизчилари ҳам ўз ўринларида (5 ва 14-ўринлар) қолдилар.

ҲУЖУМЧИЛАРНИНГ АНИҚ ЗАРБАЛАРИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 13 июнь (ТАСС). Бразилия терма футбол командаси «Маракана» стадионида бўлган ўртоқлик учрашувида Уругвай терма командасини 4:0 ҳисобида ютди. Тўпларни Пауло Боргес, Герсон ва икки марта Жайрзиньо урдилар.

Тренерлар 1970 йил жаҳон чемпионатига тайёргарликни бошлаб юборган Бразилия терма командасининг 22 футболчиси номини маълум қилдилар. Булар — дарвозабонлар Феликс ва Клаудино, ҳимоячилар Карлос Альберто, Де Марна, Журандир, Мариньо, Жоэль, Брито, Саид Рилдо, ярим ҳимоячилар Ревилиньо, Герсон, Денильсон, Вильсон Пьянца, ҳужумчилар Натал, Пауло Боргес, Сезар, Жайрзиньо, Тостао, Роберто, Эду ва Эдуардо.

Қитъаларда

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ҲУЖУМЛАРИ

ХАНОЙ, 13 июнь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнам Озодлик халқ қуролли кучларининг жангчилари Кхесандан 17 километр жанубда жойлашган АҚШ учинчи денгиз пиёда қўшинлари дивизияси бўлинмаларининг таянч базасига 11 июнда ҳужум қилинди. 2 соат давом қилган жанг натижасида Америка денгиз пиёдачиларидан 129 киши жароҳатлантирилди ва ўлдирилди.

ВИА агентлигининг Озодлик агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича 8 ва 9 июнда бўлган жанглар натижасида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Кхесан районида Америка солдат ва офицерларидан 170 кишини йўқ қилганлар ва Американинг икки самолётини уриб туширганлар. Куангчи вилоятининг шимолий қисмидагина дейилади агентлик хабарида, 2 июндан 9 июнгача бўлган вақт мобайнида Америка агрессорларининг ва Сайгон қўғирчоқ қўшинларининг солдат ва офицерларидан 700 дан кўпроқ киши ўлдирилган ва жароҳатлантирилган.

КАМБОДЖАГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ. Таиланд қўшинларининг 100 га яқин солдатдан иборат группаси 30 майда Камбоджа территориясига (Баттамбанг вилоятидаги Тхмарпуок округи) бостириб кирди ва пистирмага турриб Камбоджанинг Калар постидаги солдатларига ҳужум қилди.

Ана шу жиноий ҳужум натижасида Камбоджа солдатларидан 16 киши ўлдирилди ва икки киши яраланди. Ўша куни Таиланд қўшинлари Калар постини ўққа тутдилар. (ТАСС).

АЗ—ЗАЙЁТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикаси давлат ахборот хизматининг раҳбари Ҳасан Аз—Зайёт матбуот конференциясида қуйидагиларни айтди: «Исроил июнь агрессияси бошланишига қадар қандай ниятда иш кўрган бўлса, ҳозир ҳам шундай ният билан иш кўрмоқда, яъни Исроил ўз ҳоҳишини араб миллатига мажбуран қабул қилдирмоқ учун ўзининг мувақкат устунликларидан фойдаланишни истайди. Исроил ўз ниятларини рўёбга чиқариш учун андаккина умид бўлганига қадар ҳам шундай позицияда туравераді».

Исроилнинг араб мамлакатларига қилган ҳужуми, шунинг дек ҳар қандай янги агрессия, деб таъкидлади Ҳасан Аз—Зайёт. Исроилга ҳеч қандай натижа келтирмади ва ҳеч қачон натижа келтирмайди. (ТАСС).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

ПАРИЖ. 18 майда забастовка бошлаган 15 минг француз доке-ри ўзлари кўйган асосий талаблар қондирилишига эришдилар. Уларнинг иш ҳақи 16 процент оширилади, забастовка кунларига қисман ҳақ тўланади, отпусклар узайтирилади. Кўнчилик саноати ишчилари, Парижнинг районидаги қанча корхоналарнинг металистлари ҳам корхона эгаларини ён беришга мажбур қилдилар.

Баъзи заводларда, шу жумладан «Рено» заводида насаба союзлари билан маъмурият ўртасида музокараларн бошланди. (ТАСС).

МЎҒУЛИСТОН пойтахти Улан-Батор халқ ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Суратда: Улан-Батордаги Дўстлик кўпрпги.
А. Спиркин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ИКАР БИЛАН УЧРАШУВ

14 июндан 15 июнга ўтар кечаси астероид Икар Ерга энг яқин масофадан ўтиб кетди.

* * *

ТАСС мухбири бу воқеани П. К. Штернберг номидаги давлат астрономия институтининг катта илмий ходими Ю. П. Псковскийдан шарҳлаб беришни илтимос қилди.

—Икар номли кичкина планета диаметри бир ярим километрга яқин астероид бўлиб, уни 1949 йил июнь ойида американлик астроном Вальтер Бааде кашф қилган эди, — деди олим. — Шу тадқиқотчи осмондаги юлдузларни суратга олганида самовий жисмнинг одатдан ташқари ҳаракатда бўлган изи борлигини пайқади. Тадқиқотчи бу из ўша дамгача ноъмалум бўлган кичкина планета—астроиднн траекторияси эканлигини белгилаб олишга муваффақ бўлди. Олимлар янги самовий жисмнинг орбитасини ҳисоблаб чиққанларида бу орбита жуда чўзинчоқ шаклда эканлиги— бу астроид Қуёш системасидаги ҳамма планеталардан ҳам кўра Қуёшга яқинлашиб келиши маълум бўлди. Шунинг учун ҳам планетага Икар деб ном берилди.

Қилинган ҳисоблар Икар ҳар ўн тўққиз йилда ерга жуда яқин келиб қолишини кўрсатди. Аниқланган маълумотларга қараганда, Икар бу safар Ерга яқинлашганида 6 миллион 400 минг километр масофада яқинлашди. Америка олимлари ва СССР Фанлар академиясининг Ленинграддаги назарий астрономия институти ходимлари буни айни бир вақтда ҳисоблаб чиқардилар. Икар бизнинг планетамизга озмоз бўлса ҳам ҳеч қандай сезиларли таъсир ўтказмади, чунки унинг массаси Ернинг массасига нисбатан жуда кичик.

Июнь ойидан бошлаб совет астрономлари Икарни айниқса синчиклаб кузатдилар. Олинган маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга. Планетамизнинг ҳамма жойидаги кузатиш пунктлари ўзлари тўплаган маълумотларни СССР Фанлар Академиясининг назарий астрономия институтига юбормоқдалар. Кичкина планеталарни ўрганувчи халқаро марказ мана шу институтда ишлаб турибди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ШУҲРАТ

ЖАННАТ ҚИДИРГАНЛАР

Ёзувчи Шуҳратнинг янги романи замонавий мавзуга бағишланган. Биз қуйида шу романдан парча эълон қиламиз. Асар тўлалигича «Шарқ юлдузи» журналида босилмоқда.

РОМАНДАН ПАРЧА

Умматали ўша куни эрталаб Аъзамларникидан тўғри қишлоқ хўжалик министрлигига чиқиб борди. Ўзининг келганлигини маълум қилиб иш сўради.

— Ўша ўз совхозимга!—деди.

Умматалига алам ўтган ери бор, модомики ўша ерда «аллаким»нинг меъдасига ботмай, ёмонга чиққан экан. ўша ерда ишлаб ўзини кўрсатмоқчи. Тили ёки қўли билан бўлмаса ҳам ана ўша «аллаким»дан ўч олмоқчи. Қанақа қилиб ўч олишни камерада ёлғиз ўтирганида роса режасини тузган. Агар шу режасини рўёбга чиқара олса, марра уники, ҳеч қандай «аллаким» унинг мушугини «пишт» деёлмайди.

Лекин министрликдагилар унинг илтимосини инобатга олишмади. Ўзини яқин тутган раҳбарлардан бири уни четга чақириб олди.

— Менга қаранг, Умматали, айбингиз бекор бўлгани билан, амалидан бекор бўлмаганлар бор. Улар сизнинг қўлингиздаги тошни «эҳ, нима қилиб ётибди бу» деб олиб ташлаш қолмайди. Балки янада кўндаланг роқ қилиб қўйишлари мумкин. Тарки одат амри маҳол деган гап бор. Ёшлик қилиб «Совхозим! Совхозим!» дея берманг. У ерда нима қиласиз? Уч оладиган одамингиз борми?

Умматали очиғига кўчди:

— Бир ишлаб...

— Ҳамма ерда ҳам ишласа бўлади. Чўгдек ерда йилтиллаб ётмасдан, юлдуз бўлиб осмонга чиқсангиз барча кўради. Ўша сиз ўзингизни кўрсатмоқчи бўлган рақибингиз ҳам кўради. Яхшиси тузук бир совхозга тавсия этайлик. «Хўп!» денгу, жўнаб кетинг. Майда гап кўпаймасин.

Умматали ажабланди, ҳайрат кўзларини суҳватдошига қадади:

— Яна қанақа гап бўлиши мумкин?

— Ҳали ҳам соддасиз...

Лекин суҳбатдоши унинг соддалиги нимадан иборат эканини изоҳлаб ўтирмади. Балки, дозим топмади. Қулдонга папиросининг кулини қоқар экан:

— Келишдикми?— деди. Унинг кўзларида «ўпқонга ўзингни ташлаб нима қиласан! У совхозда жўжанг говук бўлмайди. Менинг гапимга киравер. Мен сенга ёмонлик қилаётганим йўқ. Тезроқ қаддингни ростлаб оласан. Кеча қамоқдан келасану, бугун орқангни силайдиган ҳамма ерда топила қоладими? Рози бўла бер!» деган самимият порлаб турарди.

Умматали унинг кўзларидан бу маънони ўқий билмаган бўлса ҳам, кўнглини олиб, яхши гапириб турган одамнинг зидига боришни ўзига эп кўрмади. Юраги узил-кесил чопмаса-да:

— Майли!—деди оҳиста.

— Мана бу бошқа гап! Ўғил бола деган мана бундай бўлади!— суҳбатдошининг чеҳраси очилди. Папиросини узун бир тортиб, юзкўзларини тутунга кўмди. Ҳалқа бўлиб юқорига кўтарилаётган тутунга қўли билан йўл чизиб, қўшиб қўйди,—шуни эсдан чиқармангки, дўстим, ҳамма кўча асфальтланган эмас, киши қоқилади ганлари ҳам бор. Кўзингизга қараб юринг. Сизни тўғри йўлдан тойдирганлар осонлик билан жон бериб, «хато қилган эканман» демайди. Иложини топса, ҳали ҳам ўзининг «ҳақлигини» исботлайди.

Умматали ичида «Нақотки...» деди-ю, тили билан ўз фикрини билдиришга журъат этмади: бу одам билмасдан бир нарса демайди. Минг қилганда ҳам юқорида, узоқ-узоқлар унга кўринади.

Суҳбатдоши папиросини кулдонда эзиб ўчириб, ўрнидан турди. Умматалининг қўлини олди.

— Ҳаво энди тозаланяпти, дўстим!—деди ва икки кундан кейин хабар олишини маслаҳат кўрди. Икки кун ўтказиб келганда унинг кабинетида эллик ёшлар атрофидаги тўладан келган, калта бўйин, тепакал бошини устарада қирдирган, қалин кўзойнакли рангпаргина бир одам ўтирар эди. Раҳбар Умматалига кўришгани қўлини чўзар экан:

— Танишинг, сиз борадиган боғдорчилик совхозининг директори ўртоқ Азимхўжаев Алихўжа Сандович.

«Бунча дабдаба қилмасанг!» дегандек Азимхўжаев миқиғида кулди ва Умматалининг қўлини қаттиқ сиқди. Унинг қарашида «Ҳа, сенмидинг, боядан бери дўстим таъриф ингни қилиб ўтирган лочин. Мен сенга ўхшаган тўпори ишчиларни яхши кўраман. Хотиржам бўл, менда қоқилмайсан» деган ифода бор эди.

— Яхши,— деди Азимхўжаев узун суҳбатга қисқа якун ясаган дек раҳбар дўстига,—бошқа гапингиз бўлмаса биз кетдик.

Раҳбар ўрнидан туриб.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди Умматалига қо йўл тилаб, ҳайрлашар экан, қўлини қўйиб юбормай туриб,—Бу кишининг этагини маҳкам тутинг. Калхатга олдирмайди. Шахмат ўйнайсизми?

— Ҳа.

—Домино-чи?

— Унча-мунча.

— Унда жуда топишибсизлар!

Бу савол-жавоб Азимхўжаевга жуда ғор қилди шекилли кулиб юборди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. У шахмат ўйнаб зерикмайдиган доминога суғи йўқлардан эди. Кабинетида шахмат сақлаб, машинасида домино олиб юради. Бўш қолди совхоз клубига кириб, то кетма-кет бир неча марта қолгунича. ёки қорнй очиб, ҳолдан толгунча терлаб-пишиб ўйнайди, қирилган тепакал боши гердан йилтиллаб кетади. Лекин ишқибозлигига яраша ютуви ҳам бор: унча-бунчадан қолмайди. Тез юради. Узоқ ўйлайдиган билан юрганини қайтиб оладиганни ёмон кўради. «Деворнинг тагида қолясан, қани юр!» деб ғашига тегади. У ғуфайли совхознинг ярми шахматчи! Энг авж олган тўғарак, ҳам шу. Доминони-ку совхозда у расм қилди. Совхозга директор бўлиб тайинланган куниёқ ўзи билан иккита домино олиб келди. Бундоқ қараса, дарднаш йўқ. Дарров бир-иккита ишқибозни ишга солди. Бу ёғи ўзи болалаб кетди. Лекин, бари бир, доминода унга тенг келадиган кам.

— Хилватда бир-бирингни пайнигни қирққандан, ошкор мана буни ўйна. Газета ўқи, радио тингла,—деди у. Бу билан «мен келгунча бўлган ғарафкашликларинг энди кетмайди» демокчи эди. Ўзи эса, майда гапни ёмон кўрадиган, юрағида кири йўқ очиқ одам. Ҳазил-мутойибага мойил. Баъзан энг қийин ишларни ҳам қизиқчилик билан битқазиб кетади.

У ана шу ширин сўз ва очиқлиги билан ютди. Оёғига ел тушган отдек оқсаб қолган совхозни ҳаданг ўтириб, анча нарсани англаган бўлди. Мойли челак сиртидан маълум дегандек унинг дарду хасрати, орзу армони, ноҳақ эзилган ёш қалби хомуш кўзларида кўзгудек акс этиб турарди. Бу кўзларнинг тубида қанча-қанча бевақт топталган орзунинг аламлари, ноҳаклик тухматининг асло эсдан чиқмас изтироблари, ҳақиқатни айтиб, тушунтиролмаган онларининг қийноқлари харсанг тош бўлиб чўкиб ётибди. шу билан бирга дунёда фалокат, даҳшат, балолар, нақадар кучли бўлмасин ҳаёт ишқи ундан минг бор қудратлироқ бўлганидек, бу кўзларда яшаш ва яшартиш завки, ҳақиқат ва истиқболга ишонч кучи, ёрқин уфқларга интилиш иштиёқи, шу ишонч ва иштиёқ билан меҳнат қилиш завки битмас-туганмас нур манбаи, дек мағрур чақнаб турибди.

Бу кўзларга ишонган, бу кўзларга кенгликлар очиб берган ютади. Бу кўзларда бундан кейин ҳасратлам учкунлари кўринмаслиги керак эди. Афсус ҳаётнинг барча заҳар-заққумларига мангу барҳам берилганда дунёга келган бу кўзлар аллақандай мулҳиш ўпконларга дуч келди, унинг изтиробларини гортди, тортишга мажбур бўлди. Ана шунга сабаб бўлган одамлар ҳаёт ва тарих кўзига кандай қилиб карайдилар, қайси тиллари билан изоҳлаб, қайси қалблари билан яшайдилар?

Азимхўжаевнинг коммунистик қалбида ана шундай «дўст бўлиб душман ишини қилган, қанча-қанча бегунох кўзлардан ёш оқизган кишиларга нисбатан нафрат-газаб тўфони жўшиб, уларнинг ноўрин қурбони бўлган ҳозир ёнида ўсидан олинган қуш боласидек маъсум бокиб бораётган Умматалига меҳри-шафқати ўйғонди. Демак у мана шу лаҳзадан бошлаб, бу агроном йигит билан ҳамкорликда совхоз бог-роғини яшнатишгина эмас, балки бу йигитнинг ўзини ардоқлаши, мураккаб ҳаётнинг эгри-бутри кўчаларида адашмасдан, тўғри кенг йўлга чиқиб олишида маслаҳатгўйи, етакчиси бўлиши керак. Бу йигит шундай яшаб, шундай ишлаши керакки, юрагига бевақт беихтиёр кирган кудуратлар ва изтироблардан ғубор қолмасин! У кунларининг бундан буён асло қайтмаслигига имони комил бўлсин. Бу имони комиллик унинг ғайратига-ғайрат, иштиёқига иштиёқ кўшади, қадамига дадиллик бахш этади.

Азимхўжаев шуларни ўйлаб туриб, юраги сиқилгандек бўлди. Чекишни ташлаб юборганига ўкинди. Қадрдон раҳбар дўстининг бекорга бу йигитни унинг совхозига тавсия этмаганини тушунди. «Демак у менга яна бир катта масъулият юклабди. Қаноти қайрилган, лекин учишга молик бургут боласини парвоз қилдириб бер!» дебди-да. Майли, ишончнг учун ташаккур, дўстим! Адолатсизлик гардларини кишн қалбидан ювиб ташламоқ улуғ бахт!»

Бу маҳал машина гавжум кўчалардан ўтиб, четроқдаги бир дўкон бўсағасида тўхтади. Улар бу ерда бутун бўлишган бўлса керак, сотувчи уларни кўрпши билан бошини сал иргаб, ичкарига кириб кетди. Унга эргашиб чиққан киши, қўлида ботинка солинган қоғоз қутича билан Азимхўжаевга яқинлашди:

— Кесаждан чақмоқ чиқиб, бизга бир ишингиз тушган экан, биз бўлмабмиз. Узр! Идорага чиқиб кетувдим. Марҳамат. — деди у қоғоз қутини очмоқчи бўлиб. Азимхўжаев «кераги йўқ, очманг!» деган ишорачи килди.

— Жуда дала бопини қидириб қолибсиз. хўжайин?

— Қишлоқимиз-да!

— «Аттанбой-саттанбой»ларга бўлаверади денг!

— «Сарпойчанлар»га ҳам яраша.

Иккиси баробар қулишди. Бу икки сўз улар улғайган маҳалларнинг лақаби бўлиб, кўришди дегунча тилга олишар. шу билан бегам болаликларини эслашган бўлишар эди. Аслида бу маҳалларнинг ҳозир номи-нишоҳ қолмаган, аллақачон у ерда институт қад кўтарган.

Умматали уларнинг суҳбатига қулоқ солиб туриб. бу одам шоҳга ҳам. гадога ҳам баробарга ўхшайди. Кулишини каранг: қандай бегубор! Кирпи бошлик шунақа бўлса! Унинг кўнглида Азимхўжаевга нисбатан илк ҳурмат ва муҳаббат уйғонди. Бу муҳаббат унинг кўнглини кўтариб, камерадан камерага кўчаётган маҳбуслек «у ер канақа бўларкин? Яна кимларга дуч келаман?»э деб келаётган Умматалини ташвишдан халос этганден бўлди. Қалби яйраб, кўзлари ёришди.

Азимхўжаев қоғоз кутини олиб хаммахалласи «сарпойчан» билан куюк хайрлашди.

— Кўришиб турайлик, хўжайин. Николайнинг червонидай ғойиб бўлиб кетманг.

— «Керенска» дай бекадр бўлиб колмай дейман, ҳадеб келаверсам.

— Ҳавотир олманг, олтинсиз, дўстим, олтин.

— Раҳмат! Дам олиш кунлари ўзингиз чиқиб боринглар. Дала ҳозир яхши бўлган. — деди ўз навбатида Азимхўжаев ва болалар оёқ кийими бўлимида ботинка кўраётган бўйдок шоферига лукма ташлади.—кал бошингга тарок харид қиляпсанми? Қани кетдик!

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Жадал олға! — «УЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Яхши жойлашибсан — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» 2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Махсус фикр — «ЧАЙКА» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Плюшчихадаги «уч терак» — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Олға Франция! — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндулар суянчиғи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.45 минутда бошланади)

Сиртаки — ТЕЛЬМАН номли.

Жадал олға! — «ФЕСТИВАЛЬ»

Олға Франция! — «ХИВА»

Қизил мантия — НАВОИЙ номли

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

17 июнь кеч соат 6 ярмида Совет Иттифоқи биринчилиги учун

«А» класс командалари «МЕТАЛЛУРГ» (Чимкент) — «ПОЛИТОТДЕЛ» (Тошкент области)

ФУТБОЛ

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРГА сахна ишчилари, район кассирлари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 187-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

10.55 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 11.00 — Шанба, нонуштадан сўнг (дам олиш программаси). 11.40 — Венгрия диёридаги учрашувлар (ҳужжатли фильм). 11.50 — Кўча тасодифларга тўла (бадиий фильм).

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатишлар программаси, 17.00 — Телеэнгиликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — Қуёш, ҳаво ва сув (болалар учун), 17.40 — Хатлардан — қўшиқларга (концерт). 18.20 — Телеэнгиликлар, 18.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим», 19.25— Кўрсатишлар программаси.

19.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.30 — Концерт (Тўқимачилар саройидан Тошкент область фестивали қатнашчиларининг ВЛКСМ 50 йиллигига бағишланган якунловчи концерти).

Ўзбек тилида: 20.50 — Шанба, нонуштадан сўнг (такрорий эшитириш), 21.30 — Умумий дўстимиз (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

18.00 — ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 05999 ИНДЕКС — 64697. № — 1884